



**Жиззах вилояти статистика бошқармасининг юридик хизмати тўғрисидаги
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Жиззах вилоят статистика бошқармасининг бош юрисконсульт штати шаклидаги юридик хизматига (кейинги ўринларда – бош юрисконсульт деб аталади) кўйиладиган талабларни, унинг хуқуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилайди.

2. Бош юрисконсульт – Бошқарма фаолиятини хуқукий таъминлаш максадида конунчиликда белгиланган меъёр ва мезонларга мувофик мажбурий тартибда ташкил этилган мустакил (таркибий тузулма) лавозим хисобланади.

Бош юрисконсульт бевосита бошқарма бошлигига бўйсунади.

3. Бош юрисконсульт битта штат бирлигидан иборат бўлиб, бош юрисконсульт лавозими киритилган.

4. Бош юрисконсульт ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва конунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг карорларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, карорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг карорлари ва фармойишларига, ушбу Низомга ва бошқа конун хужжатларига амал киласди.

Шунингдек Давлат статистика қўмитасининг, бошқарманинг карорларига, буйруқларига, бошқа хужжатларига ва топширикларига амал киласди.

5. Бош юрисконсульт лавозимида олий юридик маълумотга эга бўлган ёки Тошкент давлат юридик университети хузуридаги Юридик кадрларни халқаро стандартлар бўйича профессионал ўқитиш марказида юридик мутахассислик бўйича қайта тайёрлаш курсларини тамомлаган ва белгиланган намунадаги дипломни олган шахс ишлани мумкин. Юридик бўлими ходими сифатида лавозимга биринчи марта тайинланган шахслар белгиланган тартибда Адлия вазирлигига стажировкадан ўтадилар.

6. Бош юрисконсульт лавозимга Адлия бошқармаси билан келишилган холда тайинланади ва озод килинади.

7. Бош юрисконсультга марта даражалари конунчиликда белгиланган тартибда берилади ҳамда кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамалар конунчиликда белгиланган тартибда тўланади.

8. Давлат органи ва ташкилоти юридик хизматининг ходими сифатидаги меҳнат стажи бошқа давлат органлари, шу жумладан хуқуқни муҳофаза килувчи ва назорат килувчи органларига ўтганда марта даражалари ва кўп йиллик хизмат учун қўшимча тўлов ва устамаларни тўлаш учун мўлжалланган меҳнат стажи хисобига олинади.

9. Юридик хизмат ходими конунчиликда белгиланган тартибда хар уч йилда камида бир марта малакасини оширади ҳамда хар уч йилда бир марта аттестациядан ўтади.

10. Бошқарманинг Кенгаш йигилишида хар йили бошқарма ва туман (шахар) статистика бўлимлари фаолиятида конун устуворлиги ва конунийликка риоя этилиши ахволи тўғрисидаги Бош юрисконсульт хисботи эшитилади.

2-боб. Бош юрисконсульт фаолиятининг асосий йўналишлари ва функциялари

10. Кўйидагилар Бош юрисконсульт фаолиятининг асосий йўналишлари хисобланади:

Жиззах вилоят статистика бошқармасининг хукукни кўллаш фаолиятида конун устуворлиги ва конунийликни таъминлашни ташкил этиш;

Жиззах вилоят статистика бошқармаси томонидан ишлаб чиқилаётган (кабул қилинаётган) норматив-хукукий ва бошқа ҳужжатлар лойихаларининг конунчиликка мувофиқлиги устидан назоратни олиб бориш;

Жиззах вилоят статистика бошқармасининг конун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, конунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрдаш масалаларида кўмитанинг тузилмалари ишини мувофиқлаштириш;

Жиззах вилоят статистика бошқармасининг хукукий маданияти ва хукукий саводхонлигини ошириш, уларга кабул қилинаётган норматив-хукукий ҳужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиша иштирок этиш;

шартномавий-хукукий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, Жиззах вилоят статистика бошқармасининг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли химоя килинишини таъминлаш.

11. Бош юрисконсульт фаолиятининг асосий йўналишларини бажариш учун кўйидаги функцияларни амалга оширади:

1) Жиззах вилоят статистика бошқармасининг хукукни кўллаш фаолиятида конун устуворлиги ва конунийликни таъминлашни ташкил этиш соҳасида:

а) Жиззах вилоят статистика бошқармасида, шунингдек тегишли тузилмаларда конун бузилишларини, уларнинг сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этиш юзасидан таклифлар киритади, ушбу чора-тадбирларни амалга оширишда иштирок этади;

б) Жиззах вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига тақдим килинадиган бўйруклар, фармойишлар, шартномалар ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатлар лойихаларини уларнинг конунчиликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказади ҳамда улар бўйича эътироз ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойихаларга бош юрисконсульт томонидан Жиззах вилоят статистика бошқармасининг бошқа таркибий тузилмаларида (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) жисмоний ва юридик шахсларнинг хукук ва эркинликларини амалга оширишга таъсир этадиган Жиззах вилоят статистика бошқармасининг қарорлари юзасидан хулосалар беради;

г) мустакил равишда ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда Жиззах вилоят статистика бошқармасининг бўйруклари, фармойишлари, шартномалари ва юридик тусдаги бошқа ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек уларни ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида таклифлар тайёрлайди;

д) Жиззах вилоят статистика бошқармасида, шунингдек тегишли тузилмаларда хукукни кўллаш амалиётини ўрганади, таҳлил қиласида ва умумлаштиради, уни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлайди ва раҳбариятга киритади;

е) Жиззах вилоят статистика бошқармасининг бошқа тузилмалари билан биргаликда бошқарма, тегишли тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахслари фаолиятида конунийликнинг бузилиши кўрсатилган аризалар, таклифлар ва шикоятларни кўриб чиқиша иштирок этади;

ж) Жиззах вилоят статистика бошқармасида бошқарув тизимини такомиллаштириш, кўмита тизимига кирадиган тузилмалар ва уларнинг мансабдор шахсларининг хукук ва мажбуриятларини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиша иштирок этади;

з) Жиззах вилоят статистика бошқармасида меҳнат ҳақидаги конунчиликка риоя этилишини таъминлашда, шу жумладан меҳнат муносабатларини тартибга солувчи хукукий ҳужжатларни (меҳнат шартномаси, жамоа шартномаси, жамоа битими ва бошқаларни) ишлаб чиқиша иштирок этади, ушбу ҳужжатлар лойихаларининг конунчиликка мувофиқлигини текширади ва хукукий хулоса беради;

и) Жиззах вилоят статистика бошқармаси раҳбариятига бошкарма фаолиятида қонун устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш ахволи юзасидан хисбот тақдим этади;

к) Жиззах вилоят статистика бошқармаси ходимларининг касаба уюшмалари ва бошқа вакиллик органларига ваколатларини амалга оширишда юридик ёрдам кўрсатади;

2) Жиззах вилоят статистика бошқармаси томонидан ишлаб чиқилаётган (қабул килинаётган) норматив-хуқуқий ва бошқа хужжатлар лойихаларининг қонунчиликка мувофикалиги устидан назоратни олиб бориш, шунингдек қўмитанинг қонун ижодкорлиги фаолиятида иштирок этиш, қонунчиликни такомиллаштириш юзасидан таклифларни тайёрлаш масалаларида унинг тузилмалари ишини мувофикалаштириш соҳасида:

а) Жиззах вилоят статистика бошқармасининг норма ижодкорлиги фаолиятининг жорий ва истиқболли режаларини ишлаб чиқади ёки уларнинг ишлаб чиқилишида, амалга оширилиши ва бажарилишини назорат килишда иштирок этади;

б) Жиззах вилоят статистика бошқармаси ваколатига кирадиган масалалар бўйича норматив-хуқуқий хужжатлар лойихаларини ишлаб чиқади ёхуд ишлаб чиқишида иштирок этади;

г) экспертизадан ўтказиш ёки келишиш учун тақдим этилган норматив-хуқуқий хужжатлар лойихаларини мустақил ёки бошқа тузилмалар билан биргаликда хуқуқий экспертизадан ўтказади, уларнинг қонунчиликка, қонунчилик техникаси қоидаларига, ҳавола килувчи нормалар қўлланилишининг асослилиги ва мақсадга мувофикалиги, шунингдек уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларнинг мавжуд эмаслиги юзасидан хуқуқий хуносалар тайёрлайди;

д) норматив-хуқуқий хужжатлар лойихалари бўйича эътиroz ва таклифлар бўлмаса, уларга виза кўяди. Бунда лойихаларга бош юрисконсульт томонидан Жиззах вилоят статистика бошқармасининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза кўйилади;

е) тизимли равишида Жиззах вилоят статистика бошқармасининг тегишли соҳа фаолиятидаги амалдаги норматив-хуқуқий хужжатларнинг уларда коррупцияга сабаб бўладиган омилларни аниқлашга қаратилган таҳлилни ўтказади;

ж) Жиззах вилоят статистика бошқармаси фаолияти соҳасида давлат бошқарувини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

з) Жиззах вилоят статистика бошқармасига келиб тушган норматив-хуқуқий хужжатларнинг тизимлаштирилган ҳисобини белгиланган талабларга мувофик юритади, уларнинг сақланишини ва назорат ҳолатида бўлишини таъминлайди;

и) Жиззах вилоят статистика бошқармасининг норматив-хуқуқий хужжатлар фондини тўлдириш, шу жумладан фондни кодекслар, қонунлар, шарҳлар, ахборотномалар ва бошқа хуқуқий нашрлар билан бутлаш чораларини кўради, қўмита раҳбариятига хуқуқий нашрларга обуна бўлиш ҳақида таклифлар киритади;

3) Жиззах вилоят статистика бошқармаси ходимларининг хуқуқий маданияти ва хуқуқий саводхонлигини ошириш, уларга қабул қилинаётган норматив-хуқуқий хужжатларнинг мазмун ва аҳамиятини, шу жумладан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари орқали етказиш соҳасида:

а) Жиззах вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти учун қонунчилик масалалари бўйича таҳлилий материаллар тайёрлайди;

б) Жиззах вилоят статистика бошқармаси, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмалар ходимларининг хуқуқий билимларини ошириш тадбирларини ташкил этиш тўғрисида таклифлар киритади, ушбу тадбирларни ўтказишида иштирок этади;

в) Жиззах вилоят статистика бошқармаси фаолиятига тегишли қонунчиликни тарғиб килиш ишларини амалга оширади;

г) зудлик билан Жиззах вилоят статистика бошқармаси ахборот хизматига қўмита веб-сайтига жойлаштириш мақсадида қабул килинган хуқуқий хужжатлар ва уларнинг мазмун ва аҳамияти тўғрисида маълумотлар киритади;

д) Жиззах вилоят статистика бошқармаси ходимларининг мурожаатлари бўйича уларга кўмита фаолиятига тегишли ҳукукий ҳужжатларни топишга кўмаклашади, зарур холларда уларнинг қоидалари бўйича тушунтиришлар беради;

4) шартномавий-хукукий ва талабнома-даъво ишларини юритиш, Жиззах вилоят статистика бошқармасининг мулкий ва бошқа манфаатларини ишончли ҳимоя килинишини тъминлаш соҳасида:

а) давлат органлари ва ташкилотлари, шунингдек фукаролар билан низолар вужудга келганда, мустакил ёки бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда уларни судгача хал этиш чораларини кўради;

б) бошқа тузилмалар билан биргаликда Жиззах вилоят статистика бошқармаси томонидан шартномаларни тайёрлаш ва тузиш ишларидаги иштирок этади, уларнинг конунчиликка мувофикларини текширади ҳамда шартномалар лойихаларига, агар эътиroz ва таклифлар бўлмаса, виза қўяди. Бунда лойихаларга бош юрисконсульт томонидан Жиззах вилоят статистика бошқармасининг бошқа таркибий тузилмаларидан (ходимларидан) кейин виза қўйилади;

в) шартномаларни тузиш, бажариш, ўзгартириш ва бекор килишининг белгиланган тартибига риоя этилишини назорат қиласида;

г) Жиззах вилоят статистика бошқармаси томонидан тузилган шартномаларни зарур даражада бажариш бўйича таклифлар киритади, шартномавий муносабатларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишида иштирок этади;

д) Жиззах вилоят статистика бошқармасининг манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича талабномалар тайёрлашда ва қўмитага нисбатан билдирилган талабномаларни кўриб чиқишида иштирок этади, бошқармада талабномалар билдириш ва уларни кўриб чиқиши тартибига риоя этилишини назорат қиласида;

е) тегишли тузилмалар билан биргаликда Жиззах вилоят статистика бошқармасининг дебиторлик ва кредиторлик карзлари ахволини ўрганади, уларнинг миқдорини камайтириш чораларини кўради;

ж) шартномавий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар юзасидан даъво ишларини олиб боради;

з) Жиззах вилоят статистика бошқармасининг мулкий ва бошқа манфаатларини ҳукукий ҳимоя қилиш учун зарур бўлган ҳужжатларни тайёрлашда ҳамда белгиланган тартибда суд мажлисларида иштирок этади;

и) мулкни саклаш масалалари бўйича ҳукукий тусдаги ҳужжатлар лойихаларининг қонун ҳужжатларига мувофикларини текширади ва уларни тайёрлашда иштирок этади;

к) бошқа таркибий тузилмалар билан биргаликда Жиззах вилоят статистика бошқармасида мулкнинг талон-торож қилиниши, камомад ва ноишлаб чиқариш харажатларининг келиб чиқиши сабаблари ва шароитларини таҳлил қиласида ҳамда уларни бартараф этиш чораларини кўради, мулкнинг талон-торож қилиниши ва камомад ҳолатлари бўйича материалларни ҳукукни муҳофаза қилиш органларига юбориш учун расмийлаштиради;

л) моддий бойликлар ва пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тўғрисидаги ҳужжатлар лойихалари, шунингдек қонун бузилишлари ва суиистеъмоллар аникланган аудиторлик текширувлари ва хатловдан ўтказиш далолатномалари бўйича ҳукукий хуросалар беради.

Жиззах вилоят статистика бошқармасининг бош юрисконсультти қонун ҳужжатларига мувофик бошқа функцияларни ҳам амалга оширади.

12. Бош юрисконсультта ушбу Низомда ёки бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган функциялар юклатилишига йўл қўйилмайди.

3-боб. Бош юрисконсульттининг ҳукуклари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги

13. Бош юрисконсульт қуидаги ҳукукларга эга:

Жиззах вилоят статистика бошқармасига келиб тушаётган норматив-ҳукукий ҳужжатларни танишиш, хизматда фойдаланиш ва уларнинг тизимлаштирилган ҳисобини юритиш учун биринчи навбатда олиш;

Жиззах вилоят статистика бошкармаси, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларнинг мансабдор шахсларидан бош юрисконсультга юкландган вазифалар ва функцияларни бажариш учун зарур бўлган хужжатлар ва маълумотларни олиш;

раҳбарият томонидан чакириладиган хуқукий масалаларга тегишли йигилишлар, кенгашлар ва мажлисларда иштирок этиш;

раҳбарият топширигига кўра ёки тегишли тузилма раҳбарининг розилиги билан уларнинг ходимларини норматив-хуқукий хужжатлар ва бошка хужжатлар лойихаларини тайёрлаш учун, хуқукий ишларни амалга ошириш билан боғлик бошка тадбирларга жалб килиш;

конунчиликка зид бўлган, конунчилик техникаси талабларига жавоб бермайдиган норматив-хуқукий хужжатлар ва бошка хужжатлар лойихаларини ижрочиларига пухта ишлаш учун қайтариш, ўз эътиорозларини асослаган ҳолда, аникланган камчиликларни бартараф этиш тўғрисида хуқукий хulosалар бериш, раҳбарият топширигига кўра ёки ўз ташаббуси билан бошка тузилмалар билан биргаликда ушбу лойихаларни пухта ишланишида иштирок этиш;

Жиззах вилоят статистика бошкармаси тизимиға кирадиган тузилмаларда Бошқарма ваколатига кирадиган масалалар бўйича конун хужжатларига риоя қилиниши масалаларини ўрганиш;

Жиззах вилоят статистика бошқармаси, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларнинг конун хужжатлари бажарилишини таъминламаётган ёхуд уларни бузаттган раҳбарлари ва ходимларини жавобгарликка тортиш ҳакида раҳбариятта таклифлар киритиш;

Жиззах вилоят статистика бошқармасида, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларда ёки Бошқарма томонидан ўтказиладиган текширишлар, тафтишлар ва хатловларда, шунингдек уларнинг якуплари бўйича хужжатларни кўриб чикишда иштирок этиш ҳамда аникланган хуқукбузарликлар юзасидан хуқукий хulosалар бериш;

талабнома-даво тартибида Жиззах вилоят статистика бошқармаси фойдасига ҳал қилинган низолар юзасидан ундирилган сумманинг 5 фоизи, бироқ энг кам ойлик иш ҳакининг 50 баробардан кўп бўлмаган миқдорда мукофот олиш.

Бош юрисконсульт конун хужжатларига мувофиқ бошка хукукларга ҳам эга бўлиши мумкин.

14. Бош юрисконсульт:

унга ушбу Низом ва бошка конун хужжатлари билан юкландган функцияларни зарур даражада ва самарали бажариши;

Жиззах вилоят статистика бошқармасида, шунингдек унинг тизимиға кирадиган тузилмаларда конун бузилиши ҳолатлари аникланганлиги тўғрисида зудлик билан тўғридан тўғри юқори турувчи органга, Адлия вазирлигига ва бошка хукуқни муҳофаза килувчи органларга хабар бериши;

белгиланган тартибида ва муддатларда малака ошириши ва аттестациядан ўтиши шарт.

Бош юрисконсульт конун хужжатларига мувофиқ бошка мажбуриятларга ҳам эга бўлиши мумкин.

4-боб. Бош юрисконсульт фаолиятини ташкил этиш

16. Бош юрисконсульт фаолияти Ўзбекистон Республикасининг "Давлат статистикаси тўғрисида"ги конуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Юридик хизмат фаолиятини тубдан такомиллашибдириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2017 йил 19 январдаги ПҚ-2733-сон қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2017 йил 1 майдаги 250-сон қарори, ушбу Низом, Давлат статистика қўмитаси бўйруклари ва қарорлари, шунингдек Давлат статистика ишлари дастури, Давлат статистика ишларини ишлаб чиқариш дастури, Давлат статистика қўмитасининг иш режалари, бўлимнинг иш режаси, бўлим ходимларининг лавозим йўриқномалари асосида ташкил этилади.

17. Бош юрисконсультнинг лавозим йўриқномалари Жиззах вилоят статистика бошқармаси Бошлиғи томонидан тасдиқланади.

18. Бош юрисконсульт Жиззах вилоят статистика бошқармаси Бошлиғи томонидан лавозимга конун хужжатларида белгиланган тартибида тайинланади ва озод қилинади.

19. Баш юрисконсульт қуидаги ҳуқукларга эга:

Баш юрисконсульт ишини ташкил этишини, усули ва услубини яхшилаш, хисобот, ижро ва меңнат интизомини мустаҳкамлаш бўйича чора-тадбирлар ишилаб чикиш ва ижро этилишини ташкил этиш;

конунчилликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилган хужжатлар лойихаларига эътиroz ва таклифлар бўлмаса, белгиланган тартибда виза қўиши, берилган хulosаларни имзолаш;

конунчилликка мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказилган хужжатлар лойихаларига бош юрисконсульт томонидан эътиroz ва таклифлар берилса, уларни пухта ишлаш учун ижрочиларга кайтариш;

Баш юрисконсульт ваколатига кирадиган масалалар бўйича тайёрланган хужжатларни имзолаш (ёки виза қўиши ёки хulosаси бериши);

Жиззах вилоят статистика бошқармаси раҳбарияти томонидан ўтказиладиган йигилишларда катнашиш;

Баш юрисконсульт ваколатига кирадиган масалаларни мұҳокама қилиндида ваколатли идоралар, корхона ва ташкилотларда Жиззах вилоят статистика бошқармаси номидан катнашиш.

20. Ушбу Низом талабларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.